



## Хорижий сармоялар ҳисобига молиялаштирилаётган лойиҳалар

(4-бетда ўқинг).

### Аудит натижалари:

«Asia Alliance Bank» АТБ.....2-3

### Кўргазма: ёшлар учун таълим

ва мутахассислик танлови.....7

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 15 (986), 2015 йил 9 апрель

www.banknews.uz

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари эълон қилинди

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда шу йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз келажаги учун улкан тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайлов фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини, халқимиз мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган баённомаларга асосан 29 март куни бўлиб ўтган Президент сайловида сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 фуқародан 18 миллион 942 минг 349 нафари иштирок этганини аниқлади. Бу сайловчиларнинг 91,08 фоизини ташкил этди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод этиб кўрсатилган Ислон Абдуганиевич Каримовга сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари ёки 90,39 фоизи, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафари ёки 3,08 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хотамжон Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафари ёки 2,92 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Мажитович Умаровга 389 минг 24 нафари ёки 2,05 фоизи овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14, 35, 36-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ислон Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланди, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

Мажлисда Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи таъминланган ва умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш принципларига риоя этилган ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

## Банкларнинг қимматли қоғозлари фонд бозорида пешқадам

Банклар бугунги кунда фонд биржасининг энг фаол ва асосий иштирокчиси бўлиб қолмоқда. Фонд биржаси умумий савдо айланмасида тижорат банклари улушининг юқорилиги банк қимматли қоғозларининг ишончилиги, улар тўғрисидаги ахборотларнинг очиқлиги ва инвестицион жозибадорлигидан далолат беради.

Бу борада «Тошкент» республика фонд биржаси Ахборот-таҳлил бўлими бошлиги Ўктам Очилов ахборот берди.

«Жорий йилнинг биринчи чорак яқунларига кўра, тижорат банкларининг «Тошкент» республика фонд биржаси умумий савдо битимларидаги улуши 95,6 фоизни ёки 52,3 млрд. сўмни ташкил этди, – деди у. – Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 80,7 фоизни, яъни 10,1 млрд. сўмни ташкил этган эди. Агар биз ушбу рақамларни 2010 йил билан солиштирадиган бўлсак (49 фоиз), банк акциялари савдоси биржа битимлари-

нинг умумий ҳажмида сўнгги беш йил ичида деярли икки баравар ортанлигини кўраимиз».

Республика фонд биржаси тижорат банкларининг биржа савдоларида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб келмоқда. Биргина 2014 йилда фонд биржасида савдо ҳажми юқори бўлган йирик 10 та эмитентнинг 9 тасини тижорат банклари ташкил этгани бунга мисол бўла олади.

«Бизнинг таҳлилларимиз фонд биржаси савдоларида инвестор сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари қиммат-

ли қоғозларига бўлган қизиқиши ва ишончи йилдан-йилга изчил ошиб бораётганини кўрсатмоқда, – деб давом этади Ў.Очилов. – Хусусан, 2014 йил давомида биржа савдолари орқали жисмоний шахслар инвестицияларининг 93,4 фоизи, юридик шахслар инвестицияларининг 86,3 фоизи айнан тижорат банклари қимматли қоғозларига йўналтирилган».

Унинг сўзларига кўра, тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни бажариши мумкин.

(Давоми 8-бетда).



## Кооперацияни мустаҳкамлаш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш йўлида

Мамлакатимизда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичи бошланди.

Бугун мамлакатимизни тараққий эттиришнинг иқтисодий модели дунёдаги энг барқарор ва жадал ривожланаётган моделлардан биридир. Бу борада мамлакатимизда кенг қўлланма ислохотларни фаол давом эттириш, асосий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни шаклланти-

риш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Айни пайтда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий тараққиёт ва иқтисодиётни ислох этишнинг муҳим омилдир. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши ҳажмида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар кўрсаткичларининг жадал суръатларда ўсаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу кўрсаткич 2005 йилда 9,2 фоиз бўлган бўлса, 2014 йилда қарийб 20 фоизни ташкил этди.

(Давоми 7-бетда).

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 7 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1903,57	1 Канада доллари	2001,57	1 Норвегия кронаси	314,97	1 евро	2706,96
1 Англия фунт стерлинги	3723,52	1 Хитой юани	403,06	1 Польша злотийси	674,93	10 Жанубий Корея вони	23,04
1 Дания кронаси	366,70	1 Қувайт динори	8317,48	1 Сингапур доллари	1845,45	10 Япония иенаси	209,67
1 БАА дирҳами	679,62	1 Россия рубли	43,98	1 СДР	3474,75	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2496,16	1 Украина гривнаси	107,11	1 Туркия лираси	971,00		
1 Миср фунти	327,15	100 Ливан фунти	165,86	1 Швеция кронаси	292,05		
1 Исландия кронаси	18,63	1 Малайзия ринггити	688,31	1 Швейцария франки	2620,37		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 2496,16 – (2490,20)

1 EUR ▼ 2706,96 – (2716,76)

1 GBP ▲ 3723,52 – (3698,20)

10 JPY ▲ 209,67 – (208,87)

## AUDIT NATIJALARI

## «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 20 сентябрдаги 79-сонли лицензияси.  
Юридик манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 2а.

2014 йил 31 декабрь ҳолатига МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ  
ЖАМЛАНГАН ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
<b>Активлар</b>			
010	Нақд пуллар	71 194 785	29 999 154
020	Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан (ЎзР МБ) олиши лозим бўлган суммалари	253 546 395	288 900 058
030	Банкнинг бошқа банклардан олиши лозим бўлган суммалари	333 754 023	563 710 725
040	Олди-сотди қимматли қоғозлари – савдога мўлжалланган	-	-
041	– савдога мўлжалланмаган	-	-
050	Ҳосилавий молиявий воситалар	-	-
060	Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар	-	-
061	Сундирилгунча сақлаб туриладиган инвестициялар	-	-
070	Тескари РЕПО	-	-
080	Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар:	422 533 095	196 321 047
081	Минус: кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	(9 452 836)	(3 788 935)
082	Соф кредитлар ва бўнақлар	413 080 259	192 532 112
090	Молиявий ижара	25 243 365	10 578 496
100	Қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар	-	-
101	Қўшма корхоналарга киритилган инвестициялар	-	-
110	Гудвилл	-	-
120	Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	23 925 182	20 211 022
130	Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	571 424	316 594
140	Бошқа хусусий мулк	-	-
150	Солиқ талабномалари	3 083 114	3 071 979
160	Бошқа активлар	4 545 727	3 964 668
170	<b>ЖАМИ: АКТИВЛАР</b>	<b>1 128 944 274</b>	<b>1 113 284 808</b>
<b>Мажбуриятлар</b>			
<b>Депозитлар</b>			
181	Талаб қилиб олингунча сақланадиган	793 352 800	759 031 745
182	Жамғарма	34 007 779	2 802 975
183	Муддатли	101 875 007	166 875 918
184	Депозит сертификатлари	30 673 271	7 200 000
190	<b>Жами: депозитлар</b>	<b>959 908 857</b>	<b>935 910 638</b>
200	Марказий банкга тўланиши лозим бўлган суммалар	-	-
210	Хукуматга тўланиши лозим бўлган суммалар	-	-
220	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган суммалар	18 600 000	72 647 809
230	РЕПО ва бошқа қарз маблағлари	-	-
240	Ҳосилавий молиявий воситалар	-	-
250	Солиқ мажбуриятлари	14 042	779 426
260	Бошқа мажбуриятлар	7 550 156	8 072 591
270	Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	-	-
280	<b>Жами: мажбуриятлар</b>	<b>986 073 055</b>	<b>1 017 410 464</b>
<b>Хусусий капитал</b>			
300	Оддий акциялар	99 007 947	75 278 123
310	Имтиёзли акциялар	-	-
320	(Сотиб олинган хусусий акциялар)	-	-
330	Жами: акциядорлик капитали	99 007 947	75 278 123
340	Эмиссия даромади	2 374 809	1 425 616
350	Тақсимланмаган фойда (жамланган дефицит)	41 488 463	19 170 605
360	<b>Жами: хусусий капитал</b>	<b>142 871 219</b>	<b>95 874 344</b>
370	<b>ЖАМИ: мажбуриятлар ва хусусий капитал</b>	<b>1 128 944 274</b>	<b>1 113 284 808</b>

## 2014 йил 31 декабрда яқунланган йил учун ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЖАМЛАНГАН ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
<b>Операцион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
020	Олинган фойзалар	37 076 387	27 868 060
030	Тўланган фойзалар	(25 398 178)	(12 620 707)
040	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида олинган пул маблағлари	68 764 316	53 530 113
050	Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар тарзида тўланган пул маблағлари	(17 543 317)	(14 905 548)
060	Дилинг операциялари бўйича соф реализацияланган фойда (зарар)	-	-
070	Хорижий валюталар билан амалга оширилган операциялар бўйича соф реализацияланган фойда (зарар)	2 050 092	860 069
080	Олинган дивидендлар	-	-
090	Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ўрнини қоплаш	-	-
100	Бошқа операцион даромадлар	223 817	306 535
110	Маҳсулот етказиб берувчилар ва ишчиларга тўланган пул маблағлари	(32 331 986)	(24 269 567)
120	Тўланган даромад (фойда) солиғи	(12 465 581)	(11 235 667)
130	Инфляциянинг операцион фаолиятга таъсири	-	-
140	<b>Операцион активлари ва мажбуриятларида ўзгаришлар бўлгунча операция фаолиятдан келган пул оқимлари</b>	<b>20 375 550</b>	<b>19 533 288</b>
150	<b>Операцион активларнинг соф (кўпайиши) камайиши:</b>	<b>(86 545 424)</b>	<b>(293 483 632)</b>
151	ЎзР МБнинг мажбурий захираси бўйича соф (кўпайиши) камайиш	35 931 730	(46 911 380)
152	Савдо қимматли қоғозларидаги соф (кўпайиши) камайиш	-	-
153	Сотиб олинган ва сотилган опционларнинг соф (кўпайиши) камайиши	-	-
154	Банкларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	116 905 120	(145 949 584)
155	Мижозларга кредитлар ва бўнақларнинг соф (кўпайиши) камайиши	(239 176 719)	(100 608 605)
156	Бошқа активлардаги соф (кўпайиши) камайиш	(205 555)	(14 063)
160	<b>Операцион мажбуриятларнинг соф (кўпайиши) камайиши:</b>	<b>(51 495 309)</b>	<b>367 095 596</b>
161	Депозитлардаги соф кўпайиш (камайиш)	2 485 256	319 760 077
162	ЎзР МБ ва ҳукуматга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	-	-
163	Бошқа банкларга тўланиши керак бўлган ҳисобварақлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	(53 903 289)	46 865 932

2014 йил 31 декабрда яқунланган йил учун ФОЙДА ЁКИ  
ЗАРАР ВА БОШҚА УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ  
ЖАМЛАНГАН ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

№	Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
<b>Фойзли даромад</b>			
011	Кредитлар бўйича фойзли даромадлар	31 618 742	22 868 046
012	ЎзР МБ ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фойзли даромадлар	2 832 620	2 701 325
013	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фойзли даромад – савдога мўлжалланган	-	-
014	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фойзли даромад – савдога мўлжалланмаган	-	-
015	Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар бўйича фойзли даромад	-	-
016	Сундирилгунча сақлаб туриладиган инвестицияларнинг фойзли даромади	-	-
017	РЕПО тескари битимлар бўйича фойзли даромад	-	-
018	Молиявий ижара бўйича фойзли даромад	2 665 311	1 284 839
019	Бошқа фойзли даромадлар	-	-
020	<b>Жами: фойзли даромадлар</b>	<b>37 116 673</b>	<b>26 854 210</b>
<b>Фойзли харажатлар</b>			
031	Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича фойзли харажатлар	(94 127)	(141 133)
032	Жамғарма депозитлар бўйича фойзли харажатлар	(986 563)	(79 091)
033	Муддатли депозитлар бўйича фойзли харажатлар	(14 234 361)	(9 561 554)
034	Депозит сертификатлари бўйича фойзли харажатлар	(1 627 487)	(221 868)
036	ЎзР МБга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича фойзли харажатлар	-	-
037	Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар бўйича фойзли харажатлар	(8 674 885)	(2 026 726)
038	Бошқа қарз маблағлари бўйича фойзли харажатлар	-	-
040	РЕПО битимлари бўйича фойзли харажатлар	-	-
041	Бошқа фойзли харажатлар	-	(640 956)
050	<b>Жами: фойзли харажатлар</b>	<b>(25 617 423)</b>	<b>(12 671 328)</b>
060	<b>Соф фойзли даромад</b>	<b>11 499 250</b>	<b>14 182 882</b>
070	Кредитлар ва лизинглар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини баҳолаш	(4 750 846)	(4 667 042)
080	<b>Резервни баҳолаш чиқарилгандан сўнг қоладиган соф фойзли даромад</b>	<b>6 748 404</b>	<b>9 515 840</b>
<b>Фойзсиз даромад</b>			
091	Хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар	68 719 809	52 638 570
092	(Хизматлар ва воситачилик учун тўланган харажатлар)	(17 543 317)	(14 882 474)
093	Савдо операцияларидан олинган фойда (зарар)	-	-
094	Валюта операцияларидан олинган фойда (зарар)	39 503 474	31 255 330
095	Дивидендлар кўринишидаги даромад	-	-
096	Инвестициялардан олинган фойда (зарар)	-	-
097	Қарам хўжалик жамиятлари ва қўшма корхоналар фойдаси (зарари)	-	-
098	Соф пул моддалари бўйича фойда (зарар)	-	-
099	Бошқа операцион даромадлар	223 817	338 179
100	<b>Жами: фойзсиз даромад</b>	<b>90 903 783</b>	<b>69 349 605</b>
<b>Операцион харажатлар</b>			
111	Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	(20 796 030)	(14 822 953)
112	Ижара ва таъминот харажатлари	(1 010 927)	(923 573)
113	Транспорт ва хизмат сафари харажатлари	(260 580)	(182 097)
114	Маъмурий харажатлар	(2 731 082)	(1 619 652)
115	Асосий воситаларнинг эскириши	(2 507 210)	(1 653 058)
116	Номоддий активларнинг эскириши	(191 032)	(112 455)
117	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	(4 880 045)	(3 515 914)
118	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини баҳолаш	1 134 339	(2 610 766)
119	Бошқа операцион харажатлар	(4 506 116)	(2 734 643)
120	<b>Жами: операцион харажатлар</b>	<b>(35 748 683)</b>	<b>(28 175 111)</b>
130	<b>Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар соф фойда (зарар)</b>	<b>61 903 504</b>	<b>50 690 334</b>
140	Даромад (фойда) солиғини баҳолаш	(11 689 062)	(9 307 483)
150	<b>Соф фойда</b>	<b>50 214 442</b>	<b>41 382 851</b>
160	Акцияга тўри келадиган таянч фойда, сўмда	142	186
170	Акцияга ажратилган фойда, сўмда	142	186

164	Савдо мажбуриятлари бўйича соф кўпайиш (камайиш)	-	-
165	Бошқа мажбуриятлар бўйича соф кўпайиш (камайиш)	(77 276)	469 587
170	<b>Операцион фаолиятдан келган соф пул маблағлари</b>	<b>(117 665 183)</b>	<b>93 145 252</b>
<b>Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
200	Қимматли қоғозларни сотиб олиш, операция фаолияти сифатида таснифланадиганларидан ташқари	-	-
210	Қимматли қоғозларни сотиш, операция фаолияти сифатида таснифланадиганларидан ташқари	-	-
220	Шўъба, тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни сотиб олиш, олинган пул маблағларини чегириб ташлаганда	-	-
230	Шўъба, тобе хўжалик юритувчи жамиятлар ва қўшма корхоналарни чиқариб юбориш, чиқариб юборилган – пул маблағларини чегириб ташлаганда	-	-
240	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш	(6 713 276)	(4 761 114)
250	Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиш	-	986 626
260	Инфляциянинг инвестицион фаолиятга таъсири	-	-
270	<b>Инвестицион фаолиятдан келган соф пул маблағлари</b>	<b>(6 713 276)</b>	<b>(3 774 488)</b>
<b>Молиявий фаолиятдан келган пул оқимлари</b>			
290	Қарз маблағлар ва қарз қимматли қоғозлардан тушумлар	-	-
300	Қарз маблағлар ва қарз қимматли қоғозлар бўйича тўловлар	-	-
310	Молиявий ижара бўйича тўловлар	-	-
320	Акциялар чиқариш	1 600 000	2 899 999
330	Акцияларни бекор қилиш	-	-
340	Ўз акцияларини сотиб олиш	-	-
350	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиш	-	-
360	Пул дивидендларини тўлаш	(6 408 465)	(6 815 738)
370	Инфляциянинг молиявий фаолиятга таъсири	-	-
380	<b>Молиявий фаолиятдан келган соф пул маблағлари</b>	<b>(4 808 465)</b>	<b>(3 915 739)</b>
390	Валюта курси ўзгаришининг пул маблағларига ва пул эквивалентларига таъсири	31 336 053	30 395 261
400	Инфляциянинг пул маблағларига ва пул эквивалентларига таъсири	-	-
410	<b>Пул маблағлари ва пул эквивалентларининг соф кўпайиши (камайиши)</b>	<b>(97 850 871)</b>	<b>115 850 286</b>
420	<b>Йил бошидаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари</b>	<b>531 627 187</b>	<b>415 776 901</b>
430	<b>Йил охиридаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари</b>	<b>433 776 316</b>	<b>531 627 187</b>

## AUDIT NATIJALARI

## «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик-тижорат банки

2014 йил 31 декабрда яқунланган йил учун КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЖАМЛАНГАН ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

№	Устав капитали	Эмиссия даромади	Сотиб олинган ўз акциялари	Жами: акциядорлик капитали	Захиралар	Тақсимланмаган фойда	Жами: хусусий капитал
140	2013 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	50 850 000	688 492	-	51 538 492	10 492 494	62 030 986
150	<i>Даврда пайдо бўлган:</i>						
151	Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар	-	-	-	-	-	-
	- солиқлар чегириб ташланганидан кейинги ҳаққоний қиймат бўйича соф фойда (зарар)	-	-	-	-	-	-
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш захираси	-	-	-	-	-	-
160	<i>Суммаларни кўчириш:</i>						
161	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - соф фойдага кўчириш, солиқлар чегириб ташланганда	-	-	-	-	-	-
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш захирасидан кўчириш	-	-	-	-	-	-
170	Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда/ (зарар)	-	-	-	-	-	-
180	Соф фойда	-	-	-	-	41 382 851	41 382 851
190	<b>Тан олинган соф фойда(зарар)</b>					<b>41 382 851</b>	<b>41 382 851</b>
200	Ўтган йилдан бир йил олдиндаги оддий акциялар бўйича дивидендлар	-	-	-	-	(32 704 740)	(32 704 740)
210	Ўтган йилдан бир йил олдиндаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	-
220	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти	-	-	-	-	-	-
230	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш	-	-	-	-	-	-
240	Акциялар чиқариш	24 428 123	737 124	-	25 165 247	-	25 165 247
250	2013 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	75 278 123	1 425 616	-	76 703 739	19 170 605	95 874 344
150	<i>Даврда пайдо бўлган:</i>						
151	Сотиш учун мўлжалланган инвестициялар	-	-	-	-	-	-
	- солиқлар чегириб ташланганидан кейинги ҳаққоний қиймат бўйича соф фойда (зарар)	-	-	-	-	-	-
152	Асосий воситаларни қайта баҳолаш захираси	-	-	-	-	-	-
160	<i>Суммаларни кўчириш:</i>						
161	Сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялар - соф фойдага кўчириш, солиқлар чегириб ташланганда	-	-	-	-	-	-
162	Асосий воситаларни қайта баҳолаш захирасидан кўчириш	-	-	-	-	-	-
170	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган соф фойда(зарар)	-	-	-	-	-	-
180	Соф фойда	-	-	-	-	50 214 442	50 214 442
190	<b>Тан олинган соф фойда(зарар)</b>					<b>50 214 442</b>	<b>50 214 442</b>
200	Ўтган йил учун оддий акциялар бўйича дивидендлар	-	-	-	-	(27 896 584)	(27 896 584)
210	Ўтган йил учун имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар	-	-	-	-	-	-
220	Конвертацияланадиган облигациялар - улуш компоненти	-	-	-	-	-	-
230	Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олиш/сотиш	-	-	-	-	-	-
240	Акциялар чиқариш	23 729 824	949 193	-	24 679 017	-	24 679 017
250	2014 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	99 007 947	2 374 809	-	101 382 756	41 488 463	142 871 219

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PraysvoterhausKupers» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (ЎзР Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги 00492-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари эълон қилинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сайловда дунёнинг 43 давлати ва бешта халқаро ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлиги ташкилотидан 299 кузатувчининг иштирок этгани ҳам сайлов кампанияси демократик, очиқ ва ошқора ўтганлигидан ёрқин далолатдир. Сайлов жараёни, шунингдек, сиёсий партияларнинг 35 мингдан ортиқ вакили кузатиб борди.

Сайловнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, 180 га яқин хорижий ва миллий интернет-нашр ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича республика матбуот маркази ва худудий матбуот марказлари томонидан 980 нафардан ортиқ маҳаллий ва чет эллик журналист иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган етмишдан зиёд матбуот анжуманлари ва брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёни ҳақида 12,7 мингдан ортиқ мақола ва ахборот материаллари чоп этилди, теле ва радиозиттиришлар эфирга узатилди.

ЎзА.

## Халқаро бозорга кенг йўл

Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) ўзбекистонлик фермерларга меваларни глобал сертификатлаш ва янги бозорларга чиқиш учун кўмак бермоқда.

Пойтахтимизда Жаҳон банкининг гуруҳи (IFC) экспорт ва қайта ишлаш ҳажмларини оширишга кўмаклашиш мақсадида «SGS Тошкент» компанияси ҳамда Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги билан ҳамкорликда маслаҳатчилар ва фермерларни сертификатлашнинг халқаро эътироф этилган GLOBALG.A.P. тизимида қўлланиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги таъминлашга ўқитиш бўйича туркум семинарлар ўтказишни бошлади.

Дастлабки семинарлар Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, унда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги соҳасида фаолият юритувчи 15 нафар маслаҳатчи ва 60 нафар фермер иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, GLOBALG.A.P. томонидан сертификатлаш ўзбекистонлик фермерларга ўз рентабеллигини оширишга, сотув бозорларини кенгайтириш ва экспорт ҳажмларини оширишга кўмаклашади.

- GLOBALG.A.P. нафақат юртимизда, балки бутун Марказий Осиёда талаб кучли бўлган стандарт ҳисобланади, - дейди семинар иштирокчиси, Тошкент вилоятидаги фермер хўжалиги раҳбари А.Муҳаммадиев. - У бизнинг маҳсулотимизни глобал бозорда янада рақобатбардош маҳсулотга айлантириши билан бирга миллий

иқтисодиётимизни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

- Ушбу лойиҳани ўзбек фермерларининг талаб ва истакларига мувофиқ бошладик, - дейди IFCнинг агробизнесда стандартларни қўллаш бўйича дастури раҳбари Ольга Щербина. - Чунки уларнинг кўпчилиги халқаро бозорда ўз ҳамкорларини топшида айнан GLOBALG.A.P. сертификати мавжуд бўлишини талаб қилган ҳолатларга дуч келган.

IFCнинг Европа ва Марказий Осиёда агробизнес стандартларини қўллаш бўйича маслаҳат дастури Австрия Молия вазирлиги кўмаги билан 80 дан ортиқ корхоналарга 156 млн. АҚШ долларидан зиёд инвестицияларни жалб этишга кўмаклашди. Бунинг эвазига нафақат сотув ҳажмларини 323 млн. АҚШ долларига оширишга эришилди, балки жалб этилган корхоналар салоҳиятини юксалтириш, улар харажатларини тежаш, ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажмини қисқартириш, хатарларни бошқариш дастакларини яхшилаш ва тегишли савдо марказлари капиталлашувини оширишга муваффақ бўлинди.

Маълумот. GLOBALG.A.P. фермер хўжаликларини сертификатлашнинг дунёдаги етакчи тизимларидан бири ҳисобланиб, унинг фаолияти айнан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

У тегишли қишлоқ хўжалиги амалиётининг бошқа муҳим унсурларига алоҳида эътибор қаратади. Бугунги кунда GLOBALG.A.P. сертификати дунёнинг 118 мамлакатидан 140 мингга корхонага берилган. Мазкур сертификат чизмалари биринчи навбатда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини салбий таъсирдан муҳофазалаш, ишчилар ҳамда ҳайвонот оламининг хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлигига қаратилган.

SGS компанияси назорат қилиш, верификациялаш, таҳлиллар ўтказиш ва сертификатлаш бўйича дунёнинг етакчи ташкилотларидан ҳисобланади. Компания ходимларининг умумий сони 80 минг нафардан ошади (Ўзбекистонда 140 нафар ходимга эга), улар дунёнинг турли минтақаларида компаниянинг 1650 дан ортиқ бўлинма ва лабораторияларида фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда SGS 1996 йилдан буён иш юритиб, у қишлоқ хўжалиги юкларини кўздан кечириш, назорат қилиш, таҳлиллар ўтказиш, сифатни таъминлаш, хатарларни бошқариш, нефть-кимё тармоғида техник кўмак бериш, минерал хомашё сифатини назорат қилиш, шунингдек, тизимлар ва хизматларни сертификатлаш бўйича хизматлар кўрсатади.

Наргиз АҲМЕДОВА.

## НАМКОРЛИК

## Мақсад: ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш

Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Корея ишбилармон доиралари иштирокида кооперацион биржа ташкил этилди. Унда ўндан ортиқ Корея компанияларидан вакиллар қатнашди.

Тадбир икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш имкониятларини ўрганиш, шунингдек, улар юзасидан музокаралар олиб бориш мақсадида ташкил этилди.

– Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришнинг имкониятлари жуда кенг, – дейди **Корея Республикасининг Гежнам-до вилоятидаги Халқаро алоқа ва савдо бўйича**

тадбиркорларни компаниямиз фаолияти билан яқиндан таништириб, Ўзбекистон истеъмол бозорининг бугунги тенденциясидан бохабар бўлди, – дейди **«Три-кос» компанияси президенти Парк Ми Жунг**. – Ўзаро музокаралардан хулоса қилиб, юртингизда янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳар икки томон учун ҳам самарали кечишига амин бўлди.

Айни пайтда республикада Корея инвестицияси иштирокида 400 дан зиёд корхона

радорликка эришиш чора-тадбирларини таҳлил қилдик.

– Корхонамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шу турдаги маҳсулотлар савдоси билан шуғулланади, – дейди **«MBS» МЧЖ бош директори Қобил Дусов**. – Бу борада қатор Корея компаниялари билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Бугунги учрашувдан мақсад мазкур тармоқнинг янги имкониятларини ўрганиш, қурилиш бозори учун энг сўнги ишлаб чиқарилган технологик ускуналарни Ўзбекистонга олиб келишдан иборатдир.

Кооперацион биржада иштирокчилар Ўзбекистон ва Корея Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан яқиндан танишишди, икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўртоқлашди. Шунингдек, тадбирда келишувлар ҳам имзоланди.

– **Иссиқхона хўжалиги асосида етиштириётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимиз бугун қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда, – дейди Самарқанд вилояти Булунғур туманида фаолият юритувчи «Medek trading servis» МЧЖ раҳбари Шухрат Тошмуродов**. – 2014 йилда Палата кўмагида икки марта Корея

фаолият юритаётган бўлса, уларнинг қарийб 70 таси юз фоиз корея сармоясига асосида ташкил қилинган. Бундан ташқари, 80 та Корея компанияси юртимизда иш юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтган.



департаменти директори **Ким Тае Хи**. – Айниқса, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар эътиборга молик. Шунинг учун кооперацион биржада қатнашишга кореялик кичик ва ўрта бизнес вакиллари катта қизиқиш билдирди. Уларнинг кўпчилиги ушбу тадбирда ўзаро шартномалар тузишни режалаштирган. Бундан кўриниб турибдики, мазкур учрашув Ўзбекистон ва Корея давлатларининг савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори ва етакчи инвесторларидан бири. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида 200 дан ортиқ шартномалар мажбур. «Kogas», «Daewoo International», «Knock», «Honam Petrochemical Corporation», «Shindong resours» каби Корея компанияларининг «Сургил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши», «Саутбай волфрам конини қазиш», «Тошкент вилоятида тўқимачилик мажмуасини ташкил этиш» сингари йирик инвестиция лойиҳалари шулар жумласидандир.

– Тадбирда маҳаллий



– 2009 йилдан буён сайёҳлик фаолияти билан шуғулланамиз, – дейди **«Мира люкс» МЧЖ директори ўринбосари Одил Илҳомов**. – Сайёҳларни юбориш ва қабул қилиш бўйича кўпгина кореялик тур агентликлар билан шартнома тузганмиз. 2014 йил якунларига кўра, Корея давлатига юборилган сайёҳларнинг 25 фоизига, у ердан ташриф буюраётган меҳмонларнинг 10 фоизига хизмат кўрсатдик. Тадбирда ушбу соҳада янада сама-

Республикасида бўлиб, агросаноатга доир технологияларнинг сўнги ютуқлари билан танишдим. Бугунги тадбирда хўжалигимизга янги технологияларни жалб қилиш мақсадида «Daewoo Yong Sokes Boiler» компанияси билан шартнома имзоладик. Бу етиштириётган маҳсулотларимизнинг ҳосилдорлигини ошириб, 1 гектардан 40 тонна ўрнига 500 тоннагача ҳосил олиш имконини беради.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## Хорижий сармоялар ҳисобига молиялаштирилатган лойиҳалар

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда халқаро молия институтлари томонидан жалб қилинаётган кредит линиялари муҳим аҳамият касб этади.



Шу боис, республикада тижорат банклари ушбу мақсад йўлида ўз кредит ресурсларини шакллантиришда хорижий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки ҳам ташкил этилибдики, фаолияти давомида халқаро муносабатларини кенгайтириб бормоқда.

Муассасанинг Германия тараққиёт банки (KfW), Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси (ICD), «LandesBank Berlin AG», Нидерландия тараққиёт банки (FMO) каби халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бериб бормоқда.

Хусусан, «Ипак йўли» АИТБнинг Германия тараққиёт банки (KfW) билан ҳамкорлиги натижасида сўнги йилларда 4 та транс ва 3 та қайта молиялаш кредит линиялари тўлиқ ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда мазкур банк томонидан KfW кредит линиясининг тўртинчи транс ва бўйича ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоиз, банк KfW билан ҳамкорлик алоқалари олиб бориб, шу бугунги кунгача 25,76 млн. евро миқдоридоги жами 114 та лойиҳани молиялаштирди, мингдан зиёд янги иш ўрни яратишга эришди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг асосий ишлаб чиқариш воситаларини қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсади ўртага ташланди.

2005 йилдан бошланган Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси билан ҳамкорлик доирасида «Ипак йўли» АИТБ юртимиздаги кичик бизнес субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида умумий ҳажми 12 млн. АҚШ доллари бўлган 2 та молиялаштириш линиясини ўзлаштирди. ICD линияси орқали 33 та лойиҳа ишга тушиб, пировардида 600 дан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Ипак йўли» АИТБ 2011 йилдан бошлаб «LandesBank Berlin AG» кредит линияси доирасида Европа

Иттифоқи мамлакатларидан EulerHermes ва SERV кафиллик қоплами билан асосий воситаларни сотиб олишни молиялаштириш бошлади. Шу йилга қадар умумий миқдори 8 млн. еврога тенг бўлган асосий воситаларнинг сотиб олиниши молиялаштирилди, шундан 2,1 млн. еврога тенг ҳажми 2014 йилда амалга оширилди. Жорий йилда банк ушбу линиянинг маблағларини Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда фаол қўллашни режалаштирмоқда.

2014 йилда банк Халқаро тараққиёт уюшмаси (Жаҳон банки гуруҳи) билан ҳамкорлик ўрнатиб, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II фаза» лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишув имзолади. Унда Ўзбекистон Республикасига ажратилган 40 млн. АҚШ доллари миқдоридоги кредитнинг бир қисмини қайта кредитлаш бўйича умумий миқдори 8 млн. АҚШ доллари миқдоридоги маблағнинг ажратилиши қайд этилди. 2014 йилда мазкур лойиҳа бўйича кредит маблағларини ўзлаштириш бошланди ва 0,5 млн. АҚШ доллари қийматида эга бўлган 1 та лойиҳа молиялаштирилди. Жорий йилда банк ушбу маблағларни ўзлаштиришни республиканинг қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш орқали давом эттиришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, «Ипак йўли» АИТБнинг 2014 йилда Нидерландия тараққиёт банки билан ҳамкорлик муносабатлари юқори даражага кўтарилди. Бугунги кунда банк ушбу хорижий муассасанинг 13 млн. АҚШ доллари миқдоридоги ажратган кредит линиясини муваффақиятли ўзлаштирди. Ушбу линия ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг 16 та инвестиция лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди.

Ҳозирда «Ипак йўли» АИТБ FMO билан қўшимча молиялаштириш линиясини жалб қилиш бўйича музокара олиб бормоқда.

**Назира МАВЛОНОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
Қ А Р О Р И

**Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар  
бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва кўшимчалар  
киритиш ҳақида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2015 йил 20 март куни 2344-1-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 10 мартдаги 8/1-сонли қарори (рўйхат рақами 2344, 2012 йил 20 март)

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 14 март,  
6/2-сон

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон, 136-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўзгартириш ва кўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2015 йил 14 мартдаги  
6/2-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга  
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун  
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва кўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ, тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.».

2. 1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микрокредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.».

3. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш, паррандачилик

ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда микрокредитлар берилади.».

4. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Микрокредитлар шартнома асосида қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқсиз:

меваги дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб олиш учун — бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача;

қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва етиштириш учун — олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача;

уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш учун — олти ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача бўлган муддатга берилади.».

5. 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мақсадлар учун микрокредит бериш сўралган ариза;

фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан имзоланган, белгиланган тартибда берилган санаси ва рақами қайд этилган ҳамда муҳр билан тасдиқланган тавсиянома ва микрокредит олувчи шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахсда томорқа участкаси мавжудлиги ҳамда унинг майдони кўрсатилган маълумотнома.».

6. Қуйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup> – 8<sup>3</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>. Қарз олувчилар микрокредит олиш бўйича аризаларни электрон тизим орқали тақдим этиши мумкин.

Қарз олувчи бўйича Кредит ахборотининг давлат реестри ва кредит бюрларига тақдим этилаётган кредит ахбороти маълумотлари тижорат банкининг кредит йиғмажилдидаги кредит ахборотига мос бўлиши лозим.

8<sup>2</sup>. Шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахс томонидан зарур ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг, унинг аризаси мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги «Аризаларни рўйхатга олиш китоби»га қайд қилинади ва бир вақтнинг ўзида қарз олувчига ариза тижорат банки томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда «Маълумотнома» берилади. Бунда «Маълумотнома»нинг биринчи қисми тижорат банкида қолдирилади, иккинчи қисми эса, қарз олувчига тақдим этилади. Қарз олувчи «Маълумотнома»нинг биринчи қисмини уни олганлиги тўғрисидаги санани кўрсатган ҳолда имзолайди, ариза электрон тизим орқали қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Аризалар электрон тизим орқали қабул қилинганда, у «Аризаларни рўйхатга олиш китоби»га қайд қилинади ва аризага «Электрон тизим орқали қабул қилинди» деб ёзиб қўйилади ва бир вақтнинг ўзида қарз олувчига ариза тижорат банки томонидан электрон тизим орқали қабул қилинганлиги тўғрисида электрон шаклда «Маълумотнома» юборилади ҳамда тижорат банкида қолган «Маълумотнома»га унинг электрон шаклда юборилганлиги тўғрисида ёзув киритилади ва сана кўрсатилган ҳолда имзоланади.

8<sup>3</sup>. «Маълумотнома»лар тушунарли, тўғри ва аниқ кўринадиган ҳолда тўлдирилиши лозим. «Маълумотнома»даги ёзувларни қисқартиришга йўл қўйилмайди.».

7. 21-банддаги «маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашининг масъул ходими» деган сўзлар «фуқаролар йиғини ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ таҳрирдаги 1 ва 2-иловлар билан тўлдирилсин.

Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга

1-ИЛОВА

«Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга

1-ИЛОВА

### Аризаларни рўйхатга олиш

#### КИТОБИ

201\_\_ йил учун

Т/р	Ариза берган шахсий ёрдамчи хўжалик	Ариза рақами ва санаси	Ариза топширилган сана	Аризанинг қисқача мазмуни (Микрокредит мақсади, муддати, суммаси, устама фоизи, манбаси, таъминот тури)	Аризада кўрсатилган микрокредит миқдори (минг сўм)	Аризачига ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида берилган маълумотноманинг рақами ва санаси	Ариза бўйича Кредит кўмита томонидан қабул қилинган қарорнинг рақами, санаси	Аризачига микрокредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганлиги ҳақида берилган ёзма жавоб хатининг рақами ва санаси	Ариза рад қилинган тақдирда, аризачига берилган ёзма жавоб хатининг рақами ва санаси	Банк кредит кўмитаси томонидан маъқулланган кредит миқдори (минг сўм) ва кредит ажратиш бошланганлигининг дастлабки санаси	Имзо
0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.											
2.											

Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
2-ИЛОВА

«Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга  
2-ИЛОВА

Маълумотнома _____-сон	Маълумотнома _____-сон
Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаки, _____ филиали томонидан	Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаки, _____ филиали томонидан
(тижорат банки логоси)	(тижорат банки логоси)
201 йил « _____ » _____ да _____ нинг	201 йил « _____ » _____ да _____ нинг
(шахсий ёрдамчи хўжалик логоси)	(шахсий ёрдамчи хўжалик логоси)
(микрокредит мақсади ва суммаси)	(микрокредит мақсади ва суммаси)
микрокредит олиш бўйича аризаси «Аризаларни рўйхатга олиш китоби»да 201 йил « _____ » _____ да _____-сон билан рўйхатга олинди, белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилинди.	микрокредит олиш бўйича аризаси «Аризаларни рўйхатга олиш китоби»да 201 йил « _____ » _____ да _____-сон билан рўйхатга олинди, белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилинди.
Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:	Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхати:
1. _____	1. _____
2. _____	2. _____
3. _____	3. _____
Банк масъул ходими (Ф.И.О.) _____	Банк масъул ходими (Ф.И.О.) _____
Имзо _____	Имзо _____
Сана _____	Сана _____
Маълумотномани олдим: _____ (имзо)	Маълумотномани олдим: _____ (имзо)
Сана: 201 йил « _____ » _____	Сана: 201 йил « _____ » _____
Серия рақами _____	Серия рақами _____

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ Қ А Р О Р И

**«Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 20 март куни 1568-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сонли «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1568, 2006 йил

2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 157-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/1-сонли «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1568-1, 2012 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 236-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 14 март, 6/3-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
Қ А Р О Р И

**«Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида  
2015 йил 20 март куни 1567-2-сон билан  
давлат рўйхатидан ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2006 йил 14 апрелдаги 275-В, 41 ва 113-сонли «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-

ри (рўйхат рақами 1567, 2006 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 156-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2012 йил 28 апрелдаги 13/3, 41 ва 20-К-сонли «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1567-1, 2012 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 21-сон, 235-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раиси**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 17 март,  
334-В-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазири**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 17 март,  
24-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**  
Тошкент ш.,  
2015 йил 17 март,  
8-қ/қ-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Р. АЗИМОВ**

**А. АБДУҲАКИМОВ**



## YIRIK PLANDA

## Кооперацияни мустақамлаш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш йўлида

Мамлакатимизда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг биринчи босқичи бошланди.

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ўтказишдан асосий мақсад хўжалик юритувчи субъектларга ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустақамлаш ҳамда ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида маълумотлар бериш, ҳамкорлар топиш, маҳсулотларни етказиб бериш, жумладан, экспорт қилиш бўйича шартномалар тузишга қўмаклашишдан иборатдир.

Саноатчиларнинг асосий форуми Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2009 йил 1 декабрдаги «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ, ҳар йили ўтказиб келинмоқда.

Аввалги халқаро саноат ярмаркалари ва кооперация биржалари натижалари мамлакатимиз корхоналари

ва хорижий шерикларнинг саноат кооперацияси, товарлар етказиб бериш ва харид қилиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Чунончи, ўтган йили тадбирнинг биринчи босқичида 3,8 мингдан ортиқ корхона 19 мингдан зиёд янги турдаги маҳсулотини тақдим этди. Биринчи босқич якунларига кўра, 2014 йилда саноат кооперацияси бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан қиймати 890,5 млрд. сўмлик шартномалар имзоланди. Экспорт шартномаларининг қиймати эса 260,2 млн. долларни ташкил қилди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржанинг иккинчи босқичида мамлакатимизнинг 1700 дан ортиқ корхона, компания ва ташкилотлари иштирок этди. Улар машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш, металлургия, кимё, нефть-газ, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика каби соҳаларга доир 20 минг турдан ортиқ тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни намойиш қилди.

Жорий Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ҳам иштирокчиларга манзур бўлади ва унда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилари, шунингдек, хорижий компанияларга кўплаб аниқликлар тақдим этилади. Мазкур тад-

бирларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги «2015 йилда Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ушбу тадбир икки босқичда ташкил этилади. Жорий йилги ҳудудий саноат ярмаркалари апрель ойида бошланди ва июнь ойигача давом этади. Тармоқ саноат ярмаркалари яқин кунларда иш бошлайди ва июнь ойи ўрталарида якунланади. Шу йилнинг октябрь ойида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа бўлиб ўтади.

Биринчи босқич давомида кичик ва йирик корхоналар ўз маҳсулотини намойиш этиш, ишлаб чиқаришга доир техник янгилликлар, ҳамкор тармоқлар ва корхоналар ютуқлари билан танишиш, ишлаб чиқарилаётган материаллар ҳамда бутловчи буюмларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига эга бўлади. Ҳудудий тадбирлар ниҳоясига етгач, иштирокчилар янги турдаги саноат маҳсулотларини ўзлаштириш бўйича ўзаро келишувларга эришади.

Иккинчи босқичда эса ушбу келишувлар маҳсулот етказиб бериш шартномаларига айлантирилади ва бу ишлаб чиқарувчиларнинг кейинги йилги буюртмалар портфелини ташкил этади. Икки босқич ўртасидаги муддатда корхоналарда янги турда-

ги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, маҳсулотларнинг тажриба намуналари тайёрланади, шунингдек, буюртмачилар билан келишилган ҳолда, ўзлаштирилаётган маҳсулотнинг техник параметрлари талаб даражасига етказилади.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа доирасида мамлакатимизнинг етакчи саноат корхоналари ҳамкорликни таклиф этиш мақсадида ўз тақдимотларини ўтказди. Иштирокчилар Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа дирекцияси томонидан ҳар йили нашр этилаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари каталоги ёрдамида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар, шунингдек, импорт қилинаётган маҳсулотлар билан танишиш имконига эга бўлади. Мазкур каталогнинг электрон шакли билан [www.coopreg.uz](http://www.coopreg.uz) сайтида танишиш ва унда корхона рўйхатдан ўтказиш мумкин.

Мухтасар айтганда, навбатдаги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро самарали ҳамкорлик механизмларини мустақамлаб, иштирокчилар ва ташриф буюрувчиларга корхоналар тақдимотлари, уларнинг техник ва технологик имкониятлари, ютуқлари билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Ў.А.

## Кўргазма: ёшлар учун таълим ва мутахассислик танлови

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Олий таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда республикамиздаги барча олий ўқув юртлири, хорижий таълим муассасаларининг 60 дан ортиқ филиаллари, таълим ва мутахассисликка йўналтирилган ўқув марказлари ўз дастур ва таклифлари билан иштирок этди.

Ёшларни мамлакатимиз ҳамда хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида мавжуд мутахассисликлар билан яқиндан таништириш, улар ўртасида юртимизда таълим соҳасида эришилган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, таълимнинг кейинги босқичларини намойиш этиш, бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, ўқув юртлирини жиҳозлаш учун ишлаб чиқарилган техник воситалар, ўқув-услубий адабиётлар, таълим муассасаларини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашнинг энг сўнгги ютуқларини намойиш этиш мақсадида йилда икки марта анъ-

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод» саройида «Таълим ва мутахассислик» XII халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

анавий равишда ўтказилаётган ушбу кўргазма бугунги кунга келиб самарали натижаларни қайд этди. Хусусан, кўргазмага ташриф буюрган ёшларнинг 25 фоизи тадбир ёрдамида ўзларини қизиқтираётган олий ўқув юртини танлади, ўтган давр давомида қарийб 8 минг нафар ташриф буюрувчи «Мутахассислик» бўлимида фаол қатнашди, уларнинг 50 фоизи кўргазма тадбирлари якунлари бўйича иш берувчилар суҳбатидан ўтиб, 2 минг нафари ишга жойлашди. 2005 йилдан бери экспонентлар сифатида Латвия, Россия, Малайзия, Буюк Британия, Венгрия, Польша, Хитой, Корея Республикаси, Канада, Сингапур, АҚШ, Қозоғистон, Исроил ҳамда Ўзбекистондан 700 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди.

– Кўргазмада Abu Dhabi номли Нью-Йорк университетининг бакалавр йўналиши бўйича ўқув дастури билан иштирок этишимиз, – дейди мазкур олий ўқув юртининг Еврооисиё ва Россия минтақалари бўйича ваколатхонаси вакили Любовь Коваленко. – Ушбу дастур доирасида бутун дунё бўйлаб амалда бўлиб, у бўйича ҳар



йили 150 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Мутахассислик йўналишлари 22 та. Қабул шартларида инглиз тилини мукамал билиш, дунёдаги глобал муаммолардан хабардорлик ва у бўйича мақбул ечим ҳамда бир қанча шахсий фазилатлар ҳам (булар махсус сўровномалар асосида аниқланади) инobatта олинади. Энг юқори балл тўплаганлар ўқиш, ётоқхона, тиббий сўғурта пулидан озод этилади. Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда бундай имкониятларни қўлга киритаётганлар орасида ўзбекистонлик ёшлар ҳам бор.

Кўргазма «Таълим» ва «Мутахассислик» бўлимлари

асосида иш олиб борди. Унинг таълимга оид стендларида давлат ва тижорат олий ўқув юртлири (институтлар, университетлар, академия ва филиаллар), ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари (лицейлар, коллежлар), олий таълимдан кейинги таълим (докторантура, ординатура), хусусий мактаблар ва болалар боғчалари, маданий марказларнинг таълим дастурлари, тил ўрганиш марказлари, ижодий клублар, мактаблар, марказлар, курслар ўрин олди. «Мутахассислик» бўлимида эса, бизнес-таълим, чет элда тренинглари, таълим ва малака ошириш, ходимларни танлаш, кадрлар агент-

ликлари, меҳнат биржаси, касбга йўналтириш ва аҳоли бандлиги марказлари, e-learning (масофавий ўқитиш), малака ошириш институтлари, хорижда ишлаш, кадрлар ва таълимга доир консалтинг хизматлари намойиш этилди.

– Тўққиз йилдан буён республикамиз ёшларининг хорижий олий ўқув юртлирида таҳсил олишларига амалий ёрдам бериб келямиз, – дейди «Edu Action» агентлиги маслаҳатчиси Дониёр Абдуғафоров. – Бу борада жаҳондаги қарийб барча ана шундай таълим муассасалари билан ўзаро алоқамиз мавжуд. Ёшлар қизиқишига келсак, сўнгги йилларда улар орасида молия ва бизнес йўналишларига талаб ортган. Бунда Австралия, АҚШ ва Европа давлатларидаги олий ўқув юртлири улар орзу-мақсадига мос келмоқда.




Кўргазма доирасида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда «Ucell», «Beeline», «Artel», «Job.uz», «Lukoil» каби йирик корхоналар, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тошкент шаҳридаги бандликка қўмаклашиш марказлари иштирок этди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

STATISTIKA

ЎзРТХБда сотувга қўйилган товарларнинг ҳафталик ўртача мақбул нархи

	09-03/ 13-03	16-03/ 20-03	23-03/ 27-03	30-03/ 03-04
Пахта ёғи, сўм/т	2 693 128	2 693 282	2 693 191	2 693 330
Бугдой уни олий нав, сўм/т	1 273 713	1 251 660	1 249 329	1 238 790
Бугдой уни биринчи нав, сўм/т	888 970	891 749	905 331	905 331
Бугдой, ем учун 4 класс	509 798	544 231	549 217	584 346
Бугдой, ем учун 5 класс	499 135	513 809	509 355	595 000
Шакар	2 412 900	2 412 900	2 412 900	2 412 900
Бензин АИ-80, сўм/т	3 492 305	3 164 687	3 219 867	3 365 397
Бензин АИ-91, сўм/т	3 062 839	3 062 839	3 062 839	3 177 714
Дизель ёнилғиси, сўм/т	3 936 373	3 866 261	3 989 043	4 157 401
Суюлтирилган газ, сўм/т	695 422	701 847	1 027 547	1 559 973
Сояли шрот, сўм/т	3 961 999	3 961 999	3 961 999	3 961 999
Пахта чигити шроти, сўм/т	547 970	534 802	537 856	530 397
Пахта чигити шелухаси, сўм/т	255 950	253 846	252 866	249 453
Азот-фосфорли ўғит (қолда), сўм/т	693 936	698 527	694 425	694 080
Аммофос 44:10, сўм/т	1 098 711	1 098 711	1 098 711	1 098 711
Кальцийланган сода (қолда), сўм/т	809 911	802 397	799 249	797 104
Сульфат аммонияси (уюм), сўм/т	319 930	318 886	338 969	341 138
Суперфосфат (уюм), сўм/т	384 000	384 000	384 000	384 000
Арматура (СТ25-35ГС), сўм/т	2 283 250	2 283 250	2 282 157	2 282 157
Курилиш битуми, сўм/т	2 504 034	2 445 757	2 655 789	2 817 599
Мис катанкаси, сўм/т	15 493 369	16 007 117	16 007 117	17 878 316
Полиэтилен (F-0120), сўм/т	6 986 441	6 986 441	6 986 441	6 986 441
Кўмир (2 БОМСШ 0-50), сўм/т	94 626	94 626	94 626	130 547
Цемент (М-400 Д-20), сўм/т	310 978	303 507	295 664	282 426
Шифер 8 тўлқинли, сўм/лист бирлигида	18 988	18 698	18 759	18 551



Ахборот ва статистика бўлими томонидан [www.uzex.uz](http://www.uzex.uz) сайти материаллари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Банкларнинг қимматли қоғозлари фонд бозорида пешқадам

Маълумки, банкларнинг акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритиши уларга қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент сифатида фонд бозорида фаол иштирок этишига имконият беради. Шу сабабли, тижорат банкларининг биржа савдоларига қўйилаётган қимматли қоғозлари мамлакатимизда пул айланишини жадаллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча турган бўш пул маблағларини жалб этиб, уларни иқтисодийнинг асосий тармоқларига инвестициялашда қўл келмоқда.

Бундан ташқари, тижорат банклари РЕПО битимларини амалга оширишда инвестор сифатида иштирок этишлари мумкин. Маълумки, РЕПО битимлари қимматли қоғозларни гаровга қўйиш йўли билан пул маблағларини қарзга олишининг

оммабоп усули бўлиб, инвестиция киритишнинг бошқа усулларига қараганда хавфсиз ҳисобланади ва инвесторларнинг зарар кўриш даражасини пасайтиради.

«РЕПО битимларини тузишда ҳам тижорат банклари ва суғурта компаниялари улуши юқориликча қолмоқда, — дея таъкидлади Ў.Очилов. — Ҳозирга қадар фонд биржасида 48 та эмитентнинг акциялари иштирокида 84,1 млрд. сўмлик 335 та РЕПО битими амалга оширилган бўлса, унинг 60 фоизга яқини ушбу молия муассасалари улушига тўғри келади».

Шу билан бирга, тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчи сифатида қатнашиш имкониятига эга. Улар фонд бозорида инвестиция



воситачиси ва маслаҳатчиси, активларни ишончли бошқарувчи, трансфер-агент ва депозитарий сифатида номоён бўлмоқда. Бу борада банклардан қимматли қоғозлар бозорида профессионал равишда иштирок этишига алоҳида лицензия талаб этилмайди.

Бугунги кунда бир қатор тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида профес-

сионал фаолиятни амалга ошириш учун брокерлик идораларини ташкил этган ҳолда фонд бозорида самарали фаолият юритиб келмоқда. Бу эса банкларга акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотиш ва сотиб олиш орқали қўшимча даромадга эга бўлишини таъминламоқда.

«Бугунги кунда 20 та тижорат банкининг қимматли

қоғозлари биржа савдоларига қўйилган бўлиб, уларнинг аксарияти биржа листингининг юқори «А» тоифасига киритилган. Мазкур банкларнинг қимматли қоғозлари биржада мунтазам котировка қилинади ва оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилади», дея қўшимча ахборот берди фонд биржаси мутахассиси.

— Қимматли қоғозлар бозорининг асосий савдо майдони ҳисобланган «Тошкент» республика фонд биржаси тижорат банкларининг биржа савдоларидаги иштирокини кенгайтириш учун уларнинг хорижий инвесторлар ва молиявий институтлар билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ривожлантириш, тажрибаларини ўрганиш бўйича тадбирларни ташкил этишда ҳар томонлама қулайлик яратиш боради, — деб ишонч билдирди «Тошкент» РФБ мутахассиси Ўқтам Очилов.

Камол НУРИЕВ.


## MA'NAVİYATIMIZ SARCHASHMALARI

● 9 апрель – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

## Соҳибқирон сиймосига юксак эҳтиром

Жорий йилнинг 9 апрелида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 679 йиллиги кенг нишонланади.

Маълумки, Амир Темур ибн Амир Тарағай милодий 1336 йил 9 апрель куни Кеш (ҳозирги Шахрисабз) яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Буюк тарихий шахс ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси бўлган. У Самарқанд, Шахрисабз ва Бухорога ўз даврининг машҳур усталари, меъморлар, олимлар, муҳандислар, шоирлар ва бошқа соҳа арбобларини ҳамда хунармандларни жамлаб, уларга гамхўрлик кўрсатган.



Амир Темур нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод этган, балки қадами етган барча жойларда қурилиш ишларини олиб борган. Хусусан, Бағдод, Дарбанд ва Байлакон шаҳарларини қайта тиклади. Карвон йўлларида работлар, қалъалар, кўприklar, шаҳарларда масжид ва мадрасалар ҳамда боғ-у бўстонлар бунёд этган. Хусусан, Самарқанд атрофида бир қанча боғ ва саройлар барпо этган. Чунончи, Боғи булду, Боғи зоғон, Боғи нақши жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи ше-рои, Гулбоғ, Лолазор, Бедана курги, Чумчуқлик, Ғозхона ва бошқалар бири-биридан қолишмаган. Энг муҳими, Шарқ билан Ғарбни боғловчи қадимий карвон йўллари тиклади. Бу билан нафақат Мовароуннаҳр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқлар ва мамлакатларни бири-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Амир Темур Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари билан бевосита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатган.

Ул зотга нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам ҳурмат эҳтиром кўрсатилган. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Соҳибқирон Амир Темур шахсияти жаҳон тарихида жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Амир Темурнинг шахси унинг авлодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун инсониятнинг маърифий бойлигидир.

Амир Темур кўплаб бунёдкорлик ишлари билан биргаликда авлодларга «Темур тузуқлари» номли маънавий мерос ҳам қолдирган. Бутун дунёга машҳур бўлган мазкур асарда Соҳибқироннинг маънавий ва маърифий қарашлари, авлодларга қолдирган ўғитлари мужассамлашган.

Соҳибқирон бошчилигида қўл урилган бундай эзгу ишлар мустақиллик йилларида қайта тикланди. Тарихий шахсни улуғлаб, авлодларга ул зот томонидан амал қилинган ҳаётий мезонлар, хусусан, ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, адолатлилик ва теран фикрлик каби сифатлар шакллантирилиб келинмоқда.

Буюк аждодимизнинг муבורак номи, тарихий сиймоси, бой мероси ва хотирасини улуғлаш йўлида Президентимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда кўплаб ишларга қўл урилди. 1996 йил Ўзбекистонда «Амир Темур йили» дея номланди, ушбу йилда Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди. «Амир Темур» ордени таъсис қилинди. ЮНЕСКО қарори билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги бутун дунё бўйлаб кенг нишонланиб, Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида ушбу улуғ зотнинг мухташам ҳайкаллари ўрнатилди.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

## Темурийлар тарихи давлат музейи

ёшлар учун жавоҳирлар маскани

Истиқлолга эришгач, Президентимиз ташаббускорлигида 1996 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилди. Уни ташкил этишда кўзланган мақсад ва вазифалар, таркибий тузилмаси ва фонди хусусида музейнинг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Сурайё Ўлжабоева гапириб берди.

– Музей Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги 99-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида ташкил этилган. Унинг асосий мақсади Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий истиқлол ғоясини сингдиришдан иборат бўлиб, ўзида Амир Темур даври ва замонавий меъморчилик санъати услубларини мужассамлаштирган. Музей биноси Амир Темур давридаги саройлар кўринишида қурилган. У доира шаклида, қовурғали кўк гумбазли, темир-бетон ва гиштли конструктив объектдир. Кўп устунли очик айвони бор. Бинонинг ташқи ва ички томонларига берилган безаклар, ганч, мрамар кошнлар, устунлар, ички гумбазидаги олтин суви юритилган нақшлар, ички ва ташқи деворидаги ёзувлар, марказий панно – миниатюра, ўйма нақшли, салобатли эшиклар унинг ноёб меъморий ёдгорлик эканлигидан далолат беради.



Уч қаватли бинонинг биринчи қаватида хазинахоналар, кичик анжуманлар зали, касса, гардероб, бўлимлар, маъмурият хоналари, дўконлар, техник воситалар хоналари ва бошқалар жойлашган. Иккинчи қаватида экспозиция бошланиб, унда тарихимизнинг асослари қадим замонларга бориб тақалиши ҳикоя қилинади. Бу ердаги марказий девордан «Усто» бирлашмаси қошидаги «Саноий нафиса» гуруҳи миниатюрарчи рассомларининг (С.Қорабоев, Ф.Камолов, Х.Назирова, Т.Болтабоев) «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор» деб номланган тасвирий санъат асари жой олган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, «Туғилиш», «Юксалиш», «Фахрланиш» деб номланади.

Сўнгги қаватида Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ экспонатлар (меъморий обидаларнинг макети, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари, қўлёмалар), рангтаъсир асарлари намойиш этилади. Музейнинг экспозиция майдонида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи акс этган доимий ва вақтинчалик кўргазмалар ўрин олган.

Музейда «Фондлар ва архив», «Маънавият ва маърифат», «Экспозициялар», «Экспозиция ва кўргазмаларни илмий лойиҳалаш ва бадиий безаш» каби бўлимлар мавжуд бўлиб, улар тарихий, маданий, маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш,

республикамизда ва хорижий мамлакатлар жамоатчилигини темурийлар даври тарихи билан таништириш, темурийлар тарихи даврига оид манбаларни тўплаш бўйича республика ва чет элларда изланишлар олиб бориш, Амир Темур ва темурийларнинг жаҳон фани, маданиятига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёмалар, моддий-маънавий ёдгорлик ва топилмалар асосида ўзбек халқи тарихини ёритувчи доимий ҳамда вақтинчалик экспозиция ва кўчма кўргазмалар ташкил этиш каби муҳим йўналишлар доирасида фаолият юритмоқда.


– **Айтингчи, бугунги кунда музей фонди темурийлар тарихига оид қандай экспонатларни қамраб олган?**

– Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 5 мингга яқин ашёлар сақланади. Булар Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид қўлёмалар, ёзишмалар, қумуш ва мис тангалар, Гўр Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX–XX асрларга оид китоблар, этнографик буюмлар ва ҳ.к. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан 2000 дан ортиқ экспонат жой олган. Улар билан танишиш учун шу бугунги кун-

гача дунёнинг турли нуқталаридан 2 млн. дан ортиқ томошабин ташриф буюрди.

– **Музейнинг юртимиз ёшларини улуғ аждодларимиз номи ва мероси билан таништиришдаги роли хусусида нима дея оласиз?**

– Албатта, фарзандларимизда она Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш, уларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда маънавий масканларнинг аҳамияти жуда катта.



Шу боис, музей фаолиятида ёш авлодни улуғ аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, анъаналаримизни давом эттирувчилар қилиб тарбиялаш, улардаги миллий гуруҳ ҳиссини юксалтириш, бунда тарихга оид билимларини оширишга хизмат қилувчи турли маданий-маърифий тадбирлар алоҳида ўрин олган. Чунончи, ўтган давр мобайнида биз ўзбек халқи давлатчилик тарихи, темурийлар даври тарихи, анъана ва қадриятларимизни акс эттирувчи 60 дан ортиқ кўргазмаларни ташкил этдик.

Бундан ташқари, музейда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-сонли қарорига мувофиқ, болалар ва ўсмирларнинг маданий-тарихий меросдан фойдаланиш ва улар билан танишиш имкониятини кенгайтириш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) учун музей фонди таркибига киритилган тарихий-маданий ашёлар ва коллекцияларни бепул томоша қилиш имконияти яратилган. Унга кўра, ҳозирги кунга қадар 40 мингга яқин болалар ва уларнинг ота-оналари музей экспозицияси ва кўргазмалари билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Назира МАВЛОНОВА  
суҳбатлашди.

## QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

# Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Туристларнинг алоҳида ташриф режими ўрнатилган ҳудудлардаги объектлар ва жойларга келиши (ўтиши), вақтинча бўлиши ва ҳаракатланиши тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ алоҳида ҳудудларга чегара яқинидаги зоналардаги маданий мерос объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар киради.

Туристларнинг алоҳида ҳудудларда бўлиши Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг рухсатномаси билангина амалга оширилади.

Алоҳида ҳудудга кирувчи (ўтувчи) туристлар гуруҳи ёки туристнинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва рухсатнома бўлиши керак. Улар турни ўтказадиган туристик ташкилот вакили – Ўзбекистон резидентининг кузатуви остида саёҳат қилишларига йўл қўйилади. Алоҳида ҳудудларга кириш, вақтинчалик бўлиш ва ҳаракатланиш учун рухсатнома ички ишлар органларига ариза берилган кундан бошлаб 30 иш куни мобайнида, бироқ тур бошланишигача 3 иш кунидан кечиктирмай берилади.

## Туристлар учун янги тартиб-қоидалар жорий қилинди

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 53-сонли қарори билан туризм соҳасини тартибга соладиган бир қатор ҳужжатлар тасдиқланди.**

Ўзбекистонда виза олган хорижлик туристлар қўшимча текширувдан ўтишлари шарт эмас. Гуруҳга рухсатномалар туристик ташкилот вакили номига расмийлаштирилади, унда гуруҳдагилар сони кўрсатилади ва уларнинг рўйхати илова қилинади.

Ички ишлар органлари туристларнинг алоҳида ҳудудларда бўлишлари учун рухсатнома беришни рад этишга ҳақли.

Туристик ташкилотлар ва туристлар учун қуйидагилар мажбурийдир:

тур учун зарурий инвентарь, анжомлар ва алоқа воситалари мавжудлигини таъминлаш;

турни қатъий белгиланган йўналиш бўйича ўтказиш; ички ишлар органларини тур давомида юз берган воқеалардан зудлик билан хабардор қилиш.

Пуллик хизматлар кўрса-

тишда айрим тоифадаги туристларга имтиёзлар тақдим этиш тартиби давлат ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу тартиб маданий дам олиш муассасалари, театр-томоша ташкилотлари, музейлар, парклар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, моддий маданий мерос объектларига дахлдордир.

Бошқа шахслар учун мазкур Тартиб тавсиянома тусига эга.

Тартибга мувофиқ қуйидаги тоифадаги туристлар – Ўзбекистон фуқароларига имтиёзлар берилади:

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;

Иккинчи жаҳон уруши меҳнат fronti қатнашчилари;

I ва II гуруҳ ногиронлари; меҳнат фахрийлари ва пенсионерлар;

«Саховат» интернат уйларидаги васийликдаги шахслар; мактабгача ёшдаги болалар;

«Меҳрибонлик» уйлари ва «Мурувват» болалар интернат уйлари тарбияланувчилари;

муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркибида ўтаётган ҳарбий хизматчилар.

Имтиёз тақдим этиладиган пуллик хизматлар рўйхати муассаса раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Уларнинг қиймати пуллик хизматларга ташкилот томонидан тасдиқланган тарифларга асосан белгиланади.

Турли тоифадаги туристларга хизматларга ҳақ тўлашдан тўлиқ озод этиш, белгиланган тарифдан 50 фоиз миқдорида чегирмалар берилиши мумкин.

Тартибда кўрсатилган барча тоифадаги турист-

лардан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда бўлганлик учун ҳақ ундирилмайди.

Маданият ва дам олиш объектларига ташкиллаштирилган ҳолда келишда ташриф ташкилотчиси сифатида чиқадиган юридик шахсининг расмий ёзма муурожаатномаси имтиёз тақдим этилиши учун асос бўлиши мумкин.

Мазкур Тартибда назарда тутилган имтиёзлар қўшилмайди. Яъни, уларни тақдим этиш учун бир неча асос мавжуд бўлганда, фуқаронинг танловига кўра биттаси олинади.

Учинчи шахслар томонидан шартнома асосида ўтказиладиган пуллик тадбирларда бўлганлик учун имтиёзлар берилмайди.

Имтиёзларни тақдим этиш тартиби ва шартлари тўғрисида маълумот ташрифчилар учун қулай бўлган жойларда маданият ва дам олиш муассасаларида, оммавий ахборот воситаларида, муассасанинг расмий сайтида жойлаштирилиши лозим.

Туристлар кириши тақиқланган объектлар ва ҳудудлар рўйхати қарорнинг 2-иловасида белгиланган.

## IX Халқаро саноат ярмаркаси ўтказилади

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 мартдаги 55-сонли қарори билан 2015 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинди.**

Ҳужжатга мувофиқ, жорий йилнинг апрель-июнь ойларида ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларини ташкил қилиш ва ўтказиш режалаштирилмоқда. 26 октябрдан 2 ноябргача IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

2015 йилда ҳудудий ва тармоқ саноат ярмаркаларини ҳамда IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржани ташкил қилиш ва ўтказиш жадвали;

мазкур тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар;

«Ўзэкспомарказ» МКК АЖ хизматларига имтиёзли тариф нархлари.

Ҳужжат билан саноат ярмаркаларининг ўтказилишига боғлиқ бир қатор бошқа чора-тадбирлар назарда тутилган.

## Нотариуслар зарур ҳужжатларни ўзлари оладилар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 11 мартда 2090-9-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Хусусан, белгиланишича, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларидан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларнинг нусхалари талаб қилинмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан муурожаатлари мавжуд бўлганда нотариуслар давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан, электрон тарзда мустақил равишда оладилар.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, давлат нотариал идоралари ушбу ҳуж-

жатлар ва ахборотларни (архив маълумотномалари бундан мустасно) идоралараро сўров олинган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида тақдим этишлари шарт.

Йўриқномада тадбиркорлик субъектларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан муурожаатлари мавжуд бўлганда нотариуслар давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан мустақил равишда олишлари аниқ кўрсатилган.

Амалиётдан келиб чиқиб, Йўриқномада келтирилган кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхатига тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, Йўриқномага ЎзССРнинг қонун ҳужжатлари амал қилган даврда бунёд этилган бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати киритилди.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 16 мартдаги 10 (666)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

## DUNYOGA NIGOH



## ОИИБ раислигига номзод

South China Morning Post нашрида ёзилишича, яқин истиқболда ташкил этиладиган ва 50 дан ортиқ мамлакатлар аъзо бўлиш истагини билдираётган Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ)нинг бошқарув раиси хитойлик вакил бўлиши мумкин.

Мақолада келтирилишича, ушбу лавозимга муносиб номзодлардан бири ХХР Молия вазирининг собиқ ўринбосари ва Осиё тараққиёт банкнинг собиқ вице-президенти 66 ёшли Цзинь Лицюнь саналади. У тажрибали мутахассис ва самарали бошқарувчи бўлиб, турли даражадаги муаммоли масалаларни ҳал эта олиши билан кўпчиликка таниш. У инглиз тилида мукамал сўзлаша олади, халқаро масалаларни яхши тушунади ва ушбу лавозим «талаблари»га тўлиқ жавоб бера олади, дейилади газетада.

– Агар Цзинь Лицюнь банкни бошқарса, – дейилади мақолада, – у глобал иқтисодий ва молия тизимидаги қоидаларни белгилаш борасида Пекиннинг ўрнини кучайтириш, Япониянинг таъсири сезиларли ҳисобланмиш ОТБ ва Вашингтон назорати кучли саналадиган Жаҳон банкнинг таъсири камайтириш бўйича ишларни юритишига тўғри

келади. Умуман олганда, ким банкни бошқаришидан қатъи назар, у айрим муаммо ва тўсиқларга дуч келиши мумкин. Банк раҳбари ушбу муассасанинг аъзолари, яъни Осиё ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиши керак бўлади.

ОИИБга Буюк Британия, Германия, Франция ва Россия сингари 50 дан ортиқ мамлакат муассислар таркибида бўлиш ҳуқуқи билан аъзо бўлиш истагини билдирди.

Бу каби банкни ташкил этиш гоёси ХХРга тегишли бўлиб, ушбу лойиҳага оид илк меморандум ўтган йили октябрь ойида Пекинда имзоланган. Мазкур молиявий институтнинг устав сармояси 100 млрд. АҚШ долларини, бошланғич акциядорлик сармояси 50 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Банкнинг штаб-квартираси Пекинда 2015 йил охирига бориб ташкил этилиши белгиланган.

## Греция траншни ўтказадиган бўлди

Греция ХВФга навбатдаги тўловли траншни 9 апрелда ўтказиб юбориши кутилмоқда.

– Биз давом этаётган ноаниқликларни Греция манфаатига зид, деб ҳисобладик, – деди ХВФ директор-тақсимотчиси Кристин Лагард Греция молия вазири Янис Варуфакис билан Вашингтондаги учрашувидан сўнг.

ХВФ раҳбари «вазирга Афинада аудит текширувини олиб бораётган техник мутахассисларнинг ҳукумат билан самарали ишлаши учун шароитларни яхшилаш ва сиёсий масалалар юзасидан Брюсселда юритиладиган баҳс-мунозараларни кенгайтириш нияти учун ташаккур» билдирди.

## Кипрда чекловларга барҳам берилади

Кипр Президенти Никос Анастасиадиснинг баёнот беришича, 2013 йилнинг апрель ойида иқтисодий инқирознинг кескин кучайиши оқибатида жорий этилган сармоя ҳаракатига оид чекловларнинг барчаси 2015 йилнинг 6 апрелидан бошлаб тўхтатилади.

Анастасиадис оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашуви чоғида мамлакат инқироздан чиқаётгани ва иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган қўшимча чора-тадбирлар татбиқ этилаётганини маълум қилди.

– Келгуси ҳафтадан бошлаб сармоялар ҳаракатига, хусусан, маблағларини хорижга ўтказиш ва айир-

бошлашга оид чекловлар ўз кучини йўқотади. Ушбу чекловларнинг олиб ташланиши бизнинг банк тизими-мизга бўлган ишончни қайта тиклашга умид қиламиз, – деди Президент ўтган ҳафтадаги йиғилишда.

Шунингдек, у ҳукумат томонидан янги ишчи кучини яратишга оид бир қатор лойиҳаларнинг амалга оширилишини маълум қилди.

## Business Insider: Хитой босқичма-босқич ўз ўрнини мустаҳкамлайди

Business Insider порталида нашр қилинган америкалик иқтисодчи Вольф Рихтернинг мақоласида айтилишича, юань тез орада захира валюта мақомини қўлга киритади ва АҚШ долларининг таъсири камайтиради. Унинг баён этишича, Америка ушбу ҳолатнинг жадаллашиб кетмаслигига эришиши мумкин.

– Кўплаб мамлакатлар халқаро ҳисоб-китоб ишларида аллақачон юандан фойдаланмоқда, – дейилади мақолада. – Юанда иш юритадиган клиринг банклари дунёнинг 15 мамлакатидан мавжуд бўлиб, бундай келишувга Лос-Анжелес билан ҳам эришилди. Хитой, шу билан бирга, 20 дан ортиқ мамлакатлар, жумладан, АҚШ асосий ҳамкорлари Австралия ва Буюк Британия марказий банклари билан валюта СВОПлари-га оид шартномага имзо чеккан.


– Ушбу майда одимлар дарҳол илғаб бўлмайдиган, босқичма-босқич, узвий ва услубий жиҳатдан аввалдан ўйлаб қўйилган режанинг амалдаги ифодаси бўлиб, асосий мақсад юань мақомини кучайтиришга қаратилган, – деб ёзади Рихтер.

Унинг айтишича, Хитойнинг яқин келажакдаги қадамлари юань эркин ишлатиладиган валюталар сирасидан ўрин олишига сабаб бўлади.

Жорий йилнинг март ойида Хитой Миллий банки директори ўринбосари И Ганнинг маълум қилишича, айни пайтда ХВФ корзинаси таркибига АҚШ доллари, евро, иена ва Буюк Британиянинг фунти киради. ХВФ раҳбари Кристин Лагарднинг айтишича, гап юанни захира валюта сирасига киритишда эмас, балки бу иш қачон ҳал этилишида. Бу борада

Пекин Вашингтон билан қарама-қарши томонда бўлиб қолиши мумкин. АҚШ ХВФда 18 фоизлик овозга эга бўлиб, Хитой бошқа мамлакатлар қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезиш эҳтимолига эга. Германия ва Австралия бундай ҳамкорликка рози эканига ишора қилди ва халқаро ҳисоб-китоб ишларида юандан фойдаланиб келаётган бошқа мамлакатлар ҳам қўллаши мумкин.

– Агар юань захира валюта таркибидан ўрин эгалласа, бу Пекиннинг



мувафақиятини англатади, – дейилади мақолада. – Дунёнинг бир қанча марказий банклари юанни сотиб олишни бошлайди ва Хитойнинг жаҳон майдонидаги ўрни янада мустаҳкамланади.

«Хитой АҚШнинг иқтисодий, молиявий ва сиёсий рақобатчисига айланишига яна бир қадам қўйилади», дея яқунлайди Рихтер ўз мақоласини.

## Англия банклари муҳим синовга тайёргарлик кўрмоқда

Буюк Британия Марказий банки мамлакатнинг йирик банклари ўртасида кенг миқёсдаги стресс-синовларини ўтказмоқчи. Ушбу банклар орасида «Barclays», HSBC, «Santander UK», «Standard Chartered», «Lloyds Banking Group» ва «Royal Bank of Scotland»лар ҳам ўрин олган, дея хабар беради Банк.ру.



2014 йилда стресс-синовдан мувафақиятли ўта олмаган «Cooperative Bank» бу йилги синовда қатнашишига йўл қўйилмайди. Англиядаги мазкур банк вакилининг изоҳ беришича, «Cooperative Bank» ўзининг ҳажми билан мамлакат молиявий тизими ҳолатига сезиларли даражада таъсир ўтказа олмайди.

Бу йилги имтиҳон талаблари ўтган йилгидан ва ЕМБнинг синовларидан жиддий равишда фарқланиб, унда нафақат Европа иқтисодиёти тараққиётига ижобий ёки салбий таъсири баҳоланади, балки бутун жаҳон иқтисодиётига таъсири ўрганилади.

ХВФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган жараёнлар Британия йирик банклари иқтисодий бўҳронларга нисбатан чидамлилигини баҳолайди. Хусусан, Хитой иқтисодий ўсишининг кескин сустлашиши ва глобал дефляция муддатининг чўзилиб кетиши каби ҳолатлар синовдан ўтказилади. Шунингдек, Буюк Британияда кетма-кет етти чорак давомида дефляция ҳолати ёки ҳисобга олиш ставкасининг 0,5 фоиздан 0 фоизга тушиб кетиши сингари вазиятлар юзага келгандаги ҳаракатлар ўрганилади.

Тартибга солувчи ташкилот раҳбари Марк Карнининг таъкидлашича, ўтган йилги стресс-синовларнинг натижаси Буюк Британиянинг банк тизими 2008 йилдагига нисбатан анча мустаҳкамланган.

– Британия банк тизимининг барқарорлигини баҳолаш баробарида биз унинг оғриқли жиҳатларини аниқлаймиз ва банкларда жиддий иқтисодий муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ стратегия ишлаб чиқилганини синовдан ўтказамиз, – деди Карни.

## ХАВАРЛАР, VOQEALAR

## Хотин-қизлар учун тадбиркорлик кунлари

Пойтахтимизда «Тадбиркор аёл: Ватанимиз равнақиға ўз ҳиссамизни қўшамиз» деб номланган тадбир ва савдо кўргазмаси ташкил этилди.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда устахунармандлар, тадбиркор аёллар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлашга оид меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантириш учун зарур молиявий ресурсларни ажратишда қўл келмоқда.

– Ўз бизнесини бошлаш учун «Микрокредитбанк»дан кредит олган эдим, – дейди

**Навоий вилояти Нурота туманида яшовчи якка тадбиркор Гулнора Ўролова.** – Сармоя эвазига каштачилик буюмларини тиқиш учун хомашё харид қилдик. Хозир



Нурота каштачилиги усулида эллик турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2014 йилда тадбиркор аёлларга салкам 1 трлн. сўмга яқин кредит-

лар ажратилиб, бу борада 2013 йилга нисбатан қарийб 1,4 баробарга ўсиш таъминланган. Жорий йилда ҳам ишбилармон аёлларга 1 трлн. 300 млн. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Хотин-қизлар раҳбарлик қилаётган ишлаб чиқариш

тузиш, тадбиркор аёлларни солиқ ва божхона қончилигидан хабардор қилиш, битирувчи қизлар учун тадбиркорлик борасида сабоқлар бериш ҳам кўзда тутилган.

Қашқадарё вилоятида жорий йилдан яхши анъана йўлга қўйилди. Туманларда

– Бундай тадбирлар тажриба алмашиш, аёллар тадбиркорлигидаги ютуқ ва истиқболли режалар билан танишишда қўл келади, – дейди «Тадбиркор аёл» уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Ойниса Очилова. – Ўтган йили касб-хунар коллежларининг икки мингдан ортиқ битирувчи қизларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида йигирмага яқин йўналишда ўқитдик. Улардан эллик нафарига банкдан кредит олишда кўмаклашдик. Ушбу кўргазмага ўз бизнесини бошлаган ўн икки нафар тадбиркорни олиб келдик.

Кўргазма-савдо доирасида тадбиркорлик кунлари, семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, уста-хунармандлар томонидан қатор йўналишларда маҳорат сабоқлари ташкил этилади.

**ЎЗА материали асосида.**

корхоналари, оилавий тадбиркорлик субъектлари, хунармандлар ва фермерларнинг маҳсулотларини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда янги бизнес лойиҳалар бўйича шартномалар

«Ўзбегим дурдонаси» номли кўргазмали семинарлар ташкил этилиб, унда ёши улуг хунарманд, тадбиркор аёллар тайёрлаган маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Моҳир усталар ёшларга хунар сирларини ўргатмоқда.

## ЭЪЛОН



## XALQ BANKI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ  
ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙДАГИ  
ЯНГИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

## ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИ

қуйдаги шартлар асосида муомалага чиқарилган:

Сертификатларнинг номинал қиймати	50 (эллик) миллион сўм	
	100 (бир юз) миллион сўм	
	500 (беш юз) миллион сўм	
	1 (бир) миллиард сўм	
Чиқарилган ҳажми	100 (бир юз) миллиард сўм	
Муомала муддати ва йиллик устама фоиз миқдори	181 кундан 365 кунгача	7,0 (етти) фоиз
	366 кундан 730 кунгача	8,0 (саккиз) фоиз
	731 кундан 1095 кунгача	9,0 (тўққиз) фоиз

✓ Депозит сертификатлари бўйича фоизлар ҳар ойнинг охири санасида ва депозит сертификатнинг қайтариш санасида тўлаб берилади.

✓ Жалб қилинган маблағлар қайтарилиши ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.

Қўшимча маълумотларни  
қуйдаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:  
(0-371) 120-17-86, (0-371) 120-17-87.  
Факс: (0-371) 120-17-87.

www.xb.uz

Хизматлар лицензияланган.

## Суғурта инфратузилмаси кенгаймоқда

«Кафолат» давлат-акциядорлик суғурта компанияси аҳоли ва хўжалик субъектларига янада яқин бўлиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида ўзининг янги бўлинмаларини ташкил этиш орқали минтақавий тармоғини фаол ривожлантирмоқда.

Бўлинмалар тармоғи бўйича компания жуда кенг географик нуқтага эга бўлишига қарамай мижозларга янада яқинлашиш, уларга қулай суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида республикамиз ҳудудларида 3 та янги бўлинмасини ишга туширди.



Улар Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида, Қашқадарё вилоятининг Нуристон шаҳарчасида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида ташкил этилди. Натижада компания бўлинмаларининг сони 167 тани ташкил этди.

Ушбу бўлинмалар мазкур суғурта ташкилоти томонидан таклиф этилаётган 80 га яқин суғурта турлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатади.

Компания яқин келажақда республикамизнинг йирик шаҳарлари марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ ҳудудларида яна 7 та янги бўлинмасини очишни режалаштирган.

**Юлдуз ЗОКИРОВА.**

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг  
компьютер базасида  
саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-кават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун  
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.

Буюртма № 2114

Адади: 8924 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 08.04.2015 й., 9.00. 1